



Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor
B.M.Ochilova - Professor
D.Khodjimetova - assistant professor
A.Pardaev - assistant professor
M.N.Khoshimkhonov - assistant professor
A.I.Saidkasimov - assistant professor -
F.K.Akhmedov - assistant professor
B.E.Toshboev - assistant professor
I.N.Akhmedov - PhD
D.Salimova - PhD
N.N.Alimov - assistant professor
M.Saidov - Ph.D.
X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev
Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan
Phone: +998933091877
e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali
“Mentor” scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал “Наставник”

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

| № | MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ | MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ | SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ |
|----|------------------------------------|--|----------------------------------|
| 1 | Н.А.Шермухамедова | Даврнинг руҳи ва таълим тизими ислохотларининг мутаносиблиги | 4-10 |
| 2 | С.С.Агзамходжаева | Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати | 11-16 |
| 3 | О.М.Ғайбуллаев | Ёшларда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг фалсафий моҳияти | 17-20 |
| 4 | Г.М.Тўраева | Юксак маънавият маъсулияти | 21-28 |
| 5 | Ф.Б.Файзиёва | Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий социологик тадқиқот объекти сифатида | 29-32 |
| 6 | Ф.Маматқулов | Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни | 33-38 |
| 7 | А.А.Қамбаров | Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилишда диний ислохотлар масаласи | 39-42 |
| 8 | С.Э.Ибрагимов | Баркамол авлодни шакллантиришда ғўзаллик тушунчасининг аҳамияти | 43-47 |
| 9 | И.М.Арзиматова | Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсири | 48-51 |
| 10 | Г.Х.То`раева | Globalashuv sharoitida yoshlarda axborot istemoli madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari | 52-55 |
| 11 | У.Б.Муҳаммадиев | Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашиш ўзликни англашдадир | 56-60 |
| 12 | Н.Алиматова | Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал кадрларнинг роли | 61-65 |
| 13 | S.A. Pilyak | Analysis of the concept of identity in the context of cultural heritage interpretation | 66-71 |
| 14 | Н.Тангиров | Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили | 72-75 |
| 15 | М.Мамажонова | Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг моҳият-мазмуни | 76-78 |
| 16 | Б. Б. Жалолов | Зардуштийлик таълимоти манбалари таҳлилиянализ источников учения зороатризма | 79-82 |
| 17 | Ф.Абдусаматов | Ёшлар тарбиясида ислом омили | 83-86 |
| 18 | А.А.Абдурахмонов | Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг устувор йўналишлари | 87-91 |
| 19 | M.Nabiyev | Globalashuv sharoitida ijtimoiy-ma’naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy | 92-96 |

| | | tarbiyaning ahamiyati | |
|----|--|--|----------------|
| 20 | М.Маматмусаева | Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъммо ва ечимлар | 97-101 |
| 21 | Н. Davlatova | Jizzax vohasi tojiklari: an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlari | 102-108 |
| 22 | З. Миркомилова | Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар | 109-114 |
| 23 | С. Музаффаров | Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маънавий ҳаётнинг долзарб вазифаси | 115-118 |
| 24 | С. Тоштемирова | Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти | 119-121 |
| 25 | С. Каримов | Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти | 122-124 |
| 26 | А.Э. Зиётова, Э.А. Бозоров | Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари | 125-129 |
| 27 | А.Ш. Эшмуҳаматов, Ж. Хушбақов | Амир Темур салтанатининг вужудга келиши | 130-133 |
| 28 | А. Пармонов | Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати | 134-140 |
| 29 | П. Қулматов | Шах маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти | 141-144 |
| 30 | Ш.Ж. Ҳашимов, С.Х. Ҳашимова | Маънавий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси | 145-148 |
| 31 | А. Холбоев | Ёш авлодни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари | 149-154 |

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ МАЪСУЛИЯТИ

Г.М.Тўраева – Жиззах вилояти ҳокимлиги Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенат аъзоси

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ҳаёти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу ўзига хослик – сиёсий ва маънавий омилларнинг ягона мақсадга: миллат бирлигини таъминлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, аждодлар мероси, халқ анъаналари ва кадриятларини сақлаган ҳолда умуминсоний кадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириб бориш каби ўта муҳим ва миллат келажагини таъминловчи хусусиятларни ўзида мужассамлаштирганлигида намоён бўлади.

Маънавий омилларга асосланган сиёсий – ижтимоий жараёнлар ва тартибот шахс, ижтимоий гуруҳлар ва миллат сиёсий маданиятини юксалтириб боришга хизмат қилади. Сиёсий жараёнларнинг жамият маънавий ҳаётидаги функционаллашуви даражасининг ортиб бориши жамият аъзолари сиёсий маданиятининг юксалиб бориши билан узвий боғлиқдир. Ўз навбатида, кишилар сиёсий маданиятининг юксалиб бориши жамият маънавий ҳаётининг янгиланиши ва юксалишининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида бозор муносабатларининг амал қилиши шароитида ижтимоий жараёнларнинг ҳар жиҳатдан юксалиб бориши шахс, миллат ва жамият равнақининг маънавий асосларига боғлиқ. Жамиятда маънавий муносабатларни бойитиш инсон, миллат, давлат ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг ривожланишига ва унинг ҳар бир соҳада тараққий қилиши учун имкониятлар яратади.

Маънавият инсон, жамият, миллат, халқ, давлатнинг куч-қудратини ташкил этувчи, тараққиётнинг имкониятлари ва истиқболларини белгиловчи жуда зарурий ижтимоий – тарихий ҳодисадир. Инсоннинг яшаш ва фаолият усули, моддий ва маданий эҳтиёжлари, унинг тафаккури, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, ижодининг бутун ранг -баранглиги маънавиятида акс этади. Етук маънавият соҳиби бўлган кишиларгина келажакни кўришга, оғир шароитларда юксак мақсадларни олдига қўйиб, унга имон, эътиқод билан интилишга қодир бўлади. Маънавият шахс баркамоллигини, ижтимоий қиёфасини шакллантириш орқали жамият тараққиётининг асосий кучига айланади.

Ҳар қайси жамият, ҳар қайси давлат ва миллат қудрати, унинг табиий бойликлари, ҳарбий кучига ва ҳатто ишлаб чиқариш технологияларига ҳам боғлиқлиги нисбийдир. Уни биринчи навбатда дунёга танитадиган юксак

маданиятли, маънавий баркамол инсонлардир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан таъкидланганидек, “Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Сарчашмалари буюк аجدодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган ҳалқимизнинг маънавий кадриятлари иқтисодий ўзгартиришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади”, шунинг учун “ҳалқимизнинг ақлий бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб оладиган янги авлодни камол топтириш керак. Мана шу асосдагина миллатнинг онгли ватанпарвар бирлиги руҳини вужудга келтириш мумкин. Бу эса айрим мамлакатларнинг тараққиёт сари шиддат билан юришига имкон берган”¹.

Шу боис малакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ шахс ва жамият маънавий маданиятини тиклаш ва юксалтириш борасида стратегик аҳамият касб этувчи дастурлар ишлаб чиқилди. Улардаги концептуал йўналишлар қуйидаги мазмунга эга:

- ўзликни англаш, аждодлар меросини чуқур ўрганиш, миллий кадриятларга таяниш;

- инсон манфаатларини таъминлаш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш;

- инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни қарор топтириш;

- таълим – тарбия тизимини такомиллаштириш, илм–фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш;

- дунёвий маданият ва умуминсоний кадриятларнинг илғор жиҳатларини ўзлаштириш;

- динлараро ва миллатлараро тотувликни амалга ошириш;

- оила, маҳалла ва таълим-тарбия тизими ўзаро алоқасини таркиб топтириш, фуқаролик институтлари фаолиятини самарали ташкил этиш.

Ўз – ўзини англаш шахс, миллат ва жамият маънавий камолотининг асосий негизидир. Тарихий тажриба шундан далолат берадики, ўтмиш маънавий меросини ўзига сингдирмаган, аждодлар меросини кадрлай олмаган миллатнинг эътиқоди суст, ғояси ноаниқ бўлган. Маълум маънода, аждодлар мероси ва унга ворисликни теран англаш ҳар бир миллат ёки ҳалқнинг келажагини аниқ белгилаб олиш имконини ҳам беради. Улуғ маърифатпарвар

¹Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-ж.- Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.13

Махмудхўжа Бехбудий “мозий истиқболнинг тарозусидир”, деб бекорга таъкидламаган эди.

Биз миллатимиз мавқеини, ҳалқимизнинг жаҳонда тутган ўрнини англамоғимиз учун ҳам ўзлигимизни англашимиз зарур. Жаҳон маданият бешигини тебратган ҳалқимиз буюк фарзандлари Форобий, Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Яссавий, Накшбандий, Улуғбек, Навоий, Бобур каби даҳолари билан ҳақли равишда ғурурланади. Ўзбек диёри Соҳибқирон Амир Темурни етиштирди. Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир ва бошқа кўплаб буюк сиймоларимиз маънавият хазинасига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди. “Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз”² дир. “Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно – мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт”³.

Биз кураётган жамият муҳташам биносининг пойдевори унинг виқорига мос бўлишлиги ғоясини илгари сурганда И.Каримов демократик, адолатли, фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этувчи бозор иқтисодиёти ва унинг яратувчиси, бунёдкори, умуртқа суяги бўлган маънавият билан мутаносиблигига эришишни назарда тутган эди. “Бозор муносабатларига хос бўлган руҳият, дунёқараш шаклланиб, одамлар шунга мувофиқ равишда иш тута бошлаган тақдирдагина бозор иқтисодиёти воқеликка айланади...бу масаланинг ечими – мулкчилик шаклларини ўзгартиришда, мулкни ўз эгасини топиб, унга беришдадир”⁴. Ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч – ғайратини юзага чиқаради, унинг ақлий, ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади деб таъкидлаганда мамлакатимизнинг биринчи президенти мутлақо ҳақ эди.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.7-ж.//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз.- Т.:Ўзбекистон,1999. – Б.132

³ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б.72

⁴ Каримов И.А.Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.:Ўзбекистон.1994. – Б.44 - 254

Мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришнинг тақдириломон аҳамиятининг эътироф этилиши, унинг расмий давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, мустақиллик маънавиятининг, ҳеч муболағасиз, буюк ютуғи бўлди. Бу шундай даражада ютуқки, уни, оқибати жихатидан, фақат маънавиятнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ҳал қилувчилик аҳамиятининг эътироф этилиши билангина қиёслаш мумкин.

Шахс, миллат ва жамият маънавиятини юксалтириб бориш мамлакат тараққиётининг асосий манбаи ва мезони бўлиб ҳисобланади. Олдимизга қонун устуворлиги ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик эркин фуқаролик жамияти қуришдек ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қиладиган вазифа қўйилган. Бундай жамиятни қуриш, унинг маънавиятини шакллантириш, фуқароларни ўз ҳақ – ҳуқуқларидан, эркинликларидан ва бошқа неъматларидан тўлиқ ва оқилона фойдаланишлари учун тинимсиз меҳнат қилиш, ўз ҳақ – ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандалиқнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, янгича, мустақил фикрлайдиган одамларни, довурак ва шижоатли, доноларга хос вазмин ва идрокли, тadbиркорларга хос етти ўлчаб бир кесадиған шахсларни тарбиялаб вояга етказиш лозим, шундагина “демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади”⁵.

Шахснинг яшаш ва фаолият усули, унинг тафаккури, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, моддий ва маданий эҳтиёжлари маънавиятида акс этади. Шахс маънавиятининг зоҳирий (ташқи) сифатлари билан ботиний (ички) моҳияти ўзаро муштарақ ҳолда такомиллашсагина, том маънодаги маънавиятли шахснинг шаклланиш имконияти юзага келади. Инсоннинг амалий фаолиятидаги адашишлар, нотўғри, асоссиз ғояларга эътиқод қўйиш каби салбий ҳолатлар маънавий қашшоқлик ёхуд ҳалқимиз ибораси билан айтганда, “имони заиф”лик, ўзи интилаётган мақсаднинг моҳиятини тўла англаб етмаслик, ироданинг сустлиги, эргашувчанликка мойиллик туфайли юзага келади. Маълумки, имон маънавиятининг ботиний моҳиятларидан бири бўлиб, киши учун ҳаётда тўғри йўл топишнинг муҳим омили ҳисобланади. Имонга асосланган руҳий ҳолатларнинг мазмуни инсондаги маънавий камолот даражаси билан белгиланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кўпинча имон, асосан, диний тушунча сифатида

⁵Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.. Асарлар. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б.3–51

кишиларимизнинг онгига, тафаккурига ўрнашган. Аслида эса имоннинг ҳам диний, ҳам дунёвий талқини мавжуд. Ҳар куни фойдали бир амал, савоб иш қилиш, солиҳ хулқ соҳиби бўлиш, бутун инсониятга меҳр – муҳаббат билан қараш, жамиятдаги кишиларнинг хулқ – атвор меъёрларини қалбан ҳис қилиб, уларни бузмасликка интилиш, жамиятдаги тартиб - қоидаларга онгли муносабат, адолат, ҳалоллик ҳам имондир. Имоннинг зоҳирий сифатлари ҳиммат ва саховат, орият ва номус, заковат ва фаросат, жамият ҳаётида тинчлик, адолат, инсонпарварлик, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилмаслик, ҳалоллик, эзгу ишлар қилиш тамойилларида намоён бўлиб, уларни кишиларимиз, айниқса ёшлар онгига янада чуққурроқ сингдириш зарурияти ўта долзарб вазифа бўлиб турибди. И.Каримов сўзлари билан айтганда, “ҳар қайси шахс, аввало, ёш авлод қалбида жамият, эл – юрт, қўйингки, ота – она олдида масъулият уйғотиш, имон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир”⁶.

Жамиятимизга ёт бўлган ғояларнинг энг биринчи қурбонлари ҳам имони заиф бўлган кишилар ҳисобланади. И.Каримов томонидан таъкидланганидек, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда. Бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён – атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этади. Чунки “маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин”⁷.

⁶ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт- пировард мақсадимиз. 8- ж. -Т.: Ўзбекистон. – Б.30

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.- Б.12

Соғлом авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг ҳатти – ҳаракати, хулқ – атвори дастлаб оилавий тарбия заминидан юзага келади. Бола қалбидаги биринчи маънавий куртаги ота – она эккан уруғдан униб чиқади. Бу энг тоза ва мусаффо уруғ бўлмоғи керак. Бу уруғнинг томирлари инсон катта бўлганида қиладиган хатти – ҳаракатларининг заминигача бориб тақалади. Шу боис ҳалқимиз тарбия мазмунига азалдан ноёб ўзига хослик – инсоф ва диёнат, ор – номус, орият, шарму – ҳаё, ибодат – ифқат, меҳр – оқибат, андишалилик, мурувват, бағрикенглик, оилага садоқат, кексаларни иззат – ҳурмат қилиш, сабр – тоқат, меҳнатсеварлик, меҳмондўстлик сингари фазилатларни сингдиришга ҳаракат қилган. Ҳолбуки, “бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онг-шууримиздан чуқур жой олган буюк кадрларнинг амалий ифодасидир”⁸.

Оилавий тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало, ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни ўзаро ҳурмат, ахлоқ – одоб, инсоний муносабатлар асосига қуришга эътибор бериш долзарб аҳамият касб этади. Оилавий тарбия қандай бўлса, жамиятнинг ҳолати ҳам шунга мос бўлади. Маҳалла муносабатлари эса бу жараённи такомиллаштиришга хизмат қиладди. Зеро, ўзаро аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, етим – есирларнинг бошини силлаш, тўй – томоша, қўни – қўшничилик, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаънавият ўтказиш сингари анъаналар маҳалла муҳитида шаклланиб ва ривожланган⁹. Одамлар, хусусан, ёшлар юриш – туриши, улар амал қиладиган тамойиллар ҳамиша жамоа диққат – эътибори, назарида бўлган. Ҳар бир киши маънавий – ахлоқий талабларни ўзи учун бегона деб билмас, хулқ – атвор нормаларига нафақат риоя этиш, балки унга ихлос қўйса, унинг маънавий камолоти тезлашади. Ахлоқ билан уйғунлашмаган билим ва ақл, гўзаллик ва одоб билан уйғунлашмаган меҳнат ва фаолият инсоннинг тўлақонли маънавий камолотига хизмат қилмайди. Баҳоуддин Нақшбанд талабаларни ўз сулуқига қабул қилиш пайтида ёшлардан: “Бирон касбинг борми?” – деб албатта сўраб эканлар. Ҳунарсиз кишиларни эса ўқишга қабул қилмаганлар. Бунинг сабабини Нақшбанд шундай изоҳлайди: “Агар киши ҳунарли бўлса, у киши билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради. Борди-ю, касби бўлмаса, билимини тирикчиликка сарф этади, ҳалол меҳнатни унутади”.

⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият,2008. – Б.8

⁹ Ўша асар:- Б.58

Бугунги кунда глобаллашув давлатлар, халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайишига, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари ҳамда илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалишига, айниқса, турли қадриятларнинг умуминсоний негизида уйғунлашувига, шунингдек, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши каби омилларни юзага келтирди. Интеллект, ақл-заковатнинг кучи, муайян шахснинг билиш иқтидори глобаллашув жараёнида цивилизациялараро таъсир моҳиятини англай олишда кўринади. Демак, шахснинг мустақил фикри ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувни билиб олишга ёрдамлашиш, ён – атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, даҳлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатиш бугунги кундаги энг муҳим вазифадир. Фақат ана шу йўл билангина келажагимиз бунёдкорлари бўлган баркамол шахсни тарбиялайди.

Шу каби жараёнларнинг марказида турган субъект – шахс тарбияси, маънавий масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, қуйидагиларга аҳамият бериш зарур.

Биринчидан, Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва сиёсий барқарорликни таъминланиши, энг аввало, амалга ошириш зарур бўлган туб иқтисодий ислохотларни фаол, изчиллик билан олиб боришга, маънавий юксалишга ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида жуда катта бунёдкорлик ишларни амалга ошириш имкониятини бермоқда. Буни Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар тушуниб етиши, шу мамлакатнинг тинчлиги, тараққиёти, порлоқ келажаги учун жон қуйдириши, қайғуриши, керак бўлса, жонини фидо қилишини англай билиши ва шунга мувофиқ фаолият кўрсатиши керак;

Иккинчидан, жамият ҳаётини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш жараёнини такомиллаштириш асосида фуқаролик жамиятини барпо этиш амалга оширилган экан, миллатнинг маънавияти, илғор қарашлари, миллий қадриятлари, одамларни жипслаштирувчи миллий анъаналар бу жараёнларга ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларига сингдириб борилиши лозимлиги доим диққат марказида бўлиши керак. Кишилар, аввало ёшлар демократлаштириш шароитларида диний, дунёвий, миллий қадриятларимиздан воз кечмаслигимизни, аксинча, маънавийнинг асосини ташкил этадиган олижаноблик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, имон, ҳалоллик, бурч, маъсулият, адолат, инсоф сингари юксак фазилатларни фаолиятимиз мезонига айлантиришимиз шартлигини тушуниши зарур.

Учунчидан, жамият аъзоларининг турли қатламларида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ва маданиятни юксалтириш усул ва воситаларини имкони

борича кўпроқ ишга солиш, маънавий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзаро функционал мувофиқлигини изчиллик билан такомиллаштириб бориш керак;

Тўртинчидан соғлом ва эркин тадбиркорлик шахсдаги энг яхши хислатларни руёбга чиқаришга хизмат қилади. Шу боис таълим муассасаларида мулкӣ муносабатлар – ишлаб чиқариш, айрибошлаш, тақсимот ва истемол каби иқтисодий муносабатларни чуқур, амалий ўргатувчи “Тадбиркорлик ҳақида сўз” курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ;